

Тошкент ислом институтига ректор тайинланди



17:58 / 06.12.2024 1101

Бугун, 6 декабрь куни Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти педагоглар жамоасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилиб, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Фафуров Уйғун Тўлқинович Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори лавозимига тайинлангани эълон қилинди.

Ушбу институт ректори вазифасида ишлаган профессор Муҳаммадсиддиқов Муҳаммадолим Муҳаммадросиқ ўғли Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг Ёшлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимидаги фаолиятини давом эттиради.

Аллоҳ таолодан Уйғун Ғафуровга масъулиятли ва шарафли ишда муваффақият тилаймиз.